

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ТАЪЛИМ, ФАН ВА ИННОВАЦИЯЛАР ВАЗИРЛИГИ  
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ**

Кўлёзма ҳуқуқида  
УЎК: 338.28:657.6(575.1)

**РЎЗМАМАТОВ АНВАР ҚАДАМБОЕВИЧ**

**ЯНГИ ЛОЙИХАЛАР ХАРАЖАТЛАРИ ҲИСОБИ ВА  
АУДИТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**08.00.08-«Бухгалтерия ҳисоби, иқтисодий таҳлил ва аудит»**

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (Doctor of Philosophy)  
илемий даражасини олиш учун ёзилган  
ДИССЕРТАЦИЯ**

**Илмий раҳбар: Раҳимов Матназар Юсупович  
иқтисодиёт фанлари номзоди, профессор**

**Тошкент шахри – 2025 йил**

## МУНДАРИЖА

	<b>КИРИШ.....</b>	<b>3</b>
<b>I БОБ</b>	<b>ЯНГИ ЛОЙИХАЛАР ХАРАЖАТЛАРИ ҲИСОБИ ВА АУДИТИНИНГ НАЗАРИЙ-ХУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ.....</b>	<b>14</b>
1.1.§	Ўзбекистонда янги лойиҳаларни амалга оширишнинг аҳамияти ва зарурлиги .....	14
1.2.§	Янги лойиҳалар харажатлари ҳисоби ва аудитининг назарий асослари.....	30
1.3.§	Янги лойиҳалар харажатлари ҳисоби ва аудитининг хуқуқий асослари .....	39
	Биринчи боб бўйича хulosалар .....	48
<b>II БОБ</b>	<b>ЯНГИ ЛОЙИХАЛАР ХАРАЖАТЛАРИ ҲИСОБИ ВА АУДИТИНИНГ АМАЛДАГИ ҲОЛАТИ .....</b>	<b>51</b>
2.1.§	Янги лойиҳаларни ишга тушириш билан боғлиқ харажатлар ва уларнинг ҳисобини юритиш .....	51
2.2.§	Янги лойиҳалар харажатларини молиявий ҳисботларда акс эттириш ва уларнинг таҳлили .....	59
2.3.§	Янги лойиҳалар харажатлари аудитини ўтказиш ва унда таҳлилий амаллардан фойдаланиш .....	68
	Иккинчи боб бўйича хulosалар .....	80
<b>III БОБ</b>	<b>ЯНГИ ЛОЙИХАЛАР ХАРАЖАТЛАРИ ҲИСОБИ ВА АУДИТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ .....</b>	<b>82</b>
3.1.§	Янги лойиҳалар харажатлари ҳисобини такомиллаштириш йўналишлари .....	82
3.2.§	Янги лойиҳалар харажатлари аудитини такомиллаштириш масалалари .....	106
	Учинчи боб бўйича хulosалар .....	121
	<b>ХУЛОСА .....</b>	<b>124</b>
	<b>ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ .....</b>	<b>128</b>
	<b>ИЛОВАЛАР.....</b>	<b>142</b>

**КИРИШ (иқтисодиёт фанлари фалсафа доктори (PhD)  
диссертацияси аннотацияси)**

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳонда охирги йилларда вужудга келган геосиёсий вазият глобал иқтисодиётга, шу жумладан халқаро инвестиция йўналишлари ва ҳажмига ҳам ўз таъсирини ўтказмоқда. Бунда, инвесторлар томонидан янги лойиҳаларга инвестициялар киритиш бўйича иқтисодий қарорлар қабул қилишда ҳам туб ўзгаришлар кузатилмоқда. Хусусан, «2023 йилда “нолдан бошланадиган” – янги инвестиция лойиҳалари бўйича ижобий ҳолат кузатилди, яъни янги лойиҳалар сони 2022 йилга нисбатан 2 фоизга ўсди. Бу ўсиш асосан қайта ишлаш соҳасига тўғри келиб, ушбу соҳада янги инвестиция лойиҳалари қисқаришининг ўн йиллик анъанасини тўхтатди. Бундан ташқари, ўсиш асосан ривожланаётган мамлакатларда қузатилиб, уларда янги лойиҳалар сони 15 фоизга ошган, ривожланган мамлакатларда эса, 6 фоизга камайган. Бунинг асосий сабаби, ривожланаётган мамлакатларда давлат томонидан амалга оширилган чора-тадбирларнинг 86 фоизи инвестицияларни жалб қилишни рағбатлантиришга ҳамда инвесторларга қулай бўлган шароитлар яратишга қаратилган бўлса, ривожланган мамлакатлар эса, чора-тадбирларнинг 57 фоизи чекловлар қўйишига қаратилган»<sup>1</sup>. Бу эса, янги лойиҳаларни амалга оширишнинг ривожланаётган мамлакатлар иқтисодиётини ривожлантиришда алоҳида аҳамият касб этишидан далолат беради. Шунингдек, охирги йилларда ривожланаётган мамлакатларда ҳам янги лойиҳаларни амалга ошириш харажатларининг бухгалтерия ҳисоби ва аудити юзасидан ахборотларнинг ишончлилигига эришиш ҳамда уларнинг самарадорлигини баҳолашда атроф-муҳитга таъсири масаласига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Жаҳонда тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ҳисобидан амалга ошириладиган янги лойиҳалар харажатлари ҳисобини халқаро стандартларга

---

<sup>1</sup> БМТ Бош Ассамблеяси (UNCTAD) бош котиби Ребека Гринспан “Жаҳон инвестиция ҳисоботи 2024 — Инвестицияларни рағбатлантириш ва ракамли хукумат” Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Савдо ва тараққиёт бўйича конференцияси маъruzаси. Printed at United Nations, Geneva – 2411001 (R) – September 2024 – 138 UNCTAD/WIR/2024 (Overview). [https://unctad.org/system/files/official-document/wir2024\\_overview\\_ru.pdf](https://unctad.org/system/files/official-document/wir2024_overview_ru.pdf)

уйғунлаштирган ҳолда ташкил этиш ва юритиш ҳамда молиявий ҳисоботларда акс эттириш, янги лойиҳалар харажатлари аудитини такомиллаштириш, шунингдек, янги лойиҳалар харажатларининг самарадорлигини баҳолашга қаратилган илмий тадқиқотлар амалга оширилган. Бу борада янги лойиҳалар учун жалб қилинган маблағлардан мақсадли фойдаланишда ҳисоб ахборот тизимининг ролини кучайтириш, маълумотларнинг ишончлилигини таъминлаш масалалари ҳамда аудиторлик текширувларида янги лойиҳаларнинг самарадорлиги бўйича ахборотларнинг аниқлиги, шаффоғлиги бўйича қатор муаммолар қўзга ташланмоқда. Жумладан, янги лойиҳалар харажатлари ҳисоби ва аудитини халқаро стандартлар талаблари даражасида ташкил этиш ҳамда янги лойиҳаларда атроф-муҳитни муҳофаза қилиш харажатлари ҳисоби ва аудити билан боғлиқ жиҳатлари ўзининг ижобий ечимини топмаганлиги, мазкур йўналишда тадқиқотлар олиб бориш зарурлигини кўрсатмоқда.

Ўзбекистонда қайта ишлаш соҳасида маҳсулотлар ишлаб чиқариш хажмини ошириш учун ҳудудларда маҳсус иқтисодий зоналар ташкил этиб, уларда давлат кўмагида тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар жалб қилиш орқали янги лойиҳаларни ишга туширишга қулай шароитлар яратилмоқда. Жумладан, «сўнгги йилларда бу йўналишларда тадбиркорлик учун кенг шароит яратилди. Масалан, чармга ихтисослашган 16 та кичик саноат зonasи ташкил қилинди. Янги лойиҳалар учун 40 миллион доллар арzon ресурс берилди»<sup>2</sup>. Янги лойиҳалар харажатлари ҳисобини тўғри ташкил этиш ва ишончли аудиторлик текширувидан ўтказиши, янги лойиҳаларни амалга оширишда даромад ва харажатларнинг даврий мувофиқлигини таъминлашни ҳамда янги лойиҳаларнинг самарадорлигини экологик харажатларини ҳисобга олган ҳолда аниқ баҳолашни тақозо қилмоқда. Ушбу масалалар эркин иқтисодий зоналарда амалга оширилаётган янги лойиҳалар харажатлари

<sup>2</sup> Президент Шавкат Мирзиёев раислигига 2024 йил 10 май куни ўтказилган чарм ва ипак саноатини ривожлантириш, аҳоли бандлигини таъминлаш масалалари муҳокамаси бўйича видеоселектор йиғилишидан. <https://president.uz/uz/lists/view/7225>

хисоби ва аудити бўйича мавжуд назарий-услубий асосларни чуқур тадқиқ этишни ҳамда такомиллаштиришни талаб этмоқда.

Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 13 апрелдаги ЎРҚ-404-сон «Бухгалтерия хисоби тўғрисида»ги, 2019 йил 25 декабрдаги ЎРҚ-598-сон “Инвестициялар ва инвестиция фаолияти тўғрисида”ги, 2020 йил 17 февралдаги ЎРҚ-604-сон «Махсус иқтисодий зоналар тўғрисида»ги, 2021 йил 25 февралдаги ЎРҚ-677-сон “Аудиторлик фаолияти тўғрисида”ги қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 26 октябрдаги ПФ-4853-сон “Эркин иқтисодий зоналар фаолиятини фаоллаштириш ва кенгайтиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги, 2018 йил 12 апрелдаги ПФ-5412-сон «Сирдарё эркин иқтисодий зонасини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2022 йил 7 сентябрдаги ПФ-215-сон «Ўзбекистон Республикасининг тўғридан-тўғри инвестициялар жамғармаси фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонлари, 2018 йил 19 сентябрдаги “Ўзбекистон Республикасида аудиторлик фаолиятини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, 2020 йил 24 февралдаги ПҚ-4611-сон “Молиявий ҳисботнинг халқаро стандартларига ўтиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги, 2021 йил 14 сентябрдаги ПҚ-5243-сон “Махсус иқтисодий зоналар иштирокчиларини янада қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, 2024 йил 20 майдаги ПҚ-181-сон “Чарм-пойабзal, ипакчилик ва гиламчилик тармоқларини ривожлантиришни янги босқичга олиб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорлари ҳамда ушбу соҳага оид бошқа меъёрий-хукуқий хужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур диссертация тадқиқоти республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. «Демократик ва хукуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.